Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 30 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

№44 (6555)
Баҳоси 5 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТҚИЛЛИГИ КУНИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ БАЙРАМ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни икки йиллигини 1993 йил 1 сентябрда байрам қилишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва қайта тикланаётган миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатларни кенг тарғиб этиш, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, шунингдек байрамни юксак ғоявий ва маданий-бадиий савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг икки йиллигини байрам қилишга тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи ташкилот комитети иловада кўрсатилган таркибда тузилсин.

Ташкилот комитетига Тошкент шаҳрида тантаналар ўтказишнинг ташкилий, маданий-маърифий ва молиявий масалаларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлган аниқ равшан тадбирларни 20 кун муддатда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида юбилей комиссиялари тузиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг раҳбарияти, вилоятларнинг ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими мазкур комиссияларга шахсан бошчилик қилсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг икки йиллигини байрам қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва шу тадбирлар жойларда юксак савияда амалга оширилишини таъминласинлар.

4. Республика вазирликлари ва идораларининг, фахрийлар ва ёшлар ташкилотларининг, ижодий уюшмалар ва жамғармаларнинг раҳбарлари маданият ва санъат арбоблари, олимлар ва республиканинг донгдор кишилари иштирокида республика мустақиллиги кунининг икки йиллиги байрамига бағишланган ижодий учрашувлар, илмий-амалий анжуманлар, санъат фестиволлари, халқ ижоди кўриклари ва бошқа тадбирлар уюштиришга алоҳида эътибор берсинлар.

5. Оммавий ахборот воситаларига республика мустақиллиги кунининг икки йиллиги байрамига тайёргарлик қандай бораётганини, мустақил Ўзбекистоннинг қарор топиш тарихи, унинг ички ва ташқи сиёсатини батафсил ёритиб бориш тавсия этилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри
1993 йил 28 июнь.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 28 июндаги қарорига илова

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРУВЧИ ВА УНИ ЎТКАЗУВЧИ ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ ТАРКИБИ

Жўрабеков И. Ҳ. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилот комитетининг раиси

Бугров Б. И. — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари, ташкилот комитети раисининг ўринбосари

Умурзоқов М. Б. — Президентнинг Давлат маслаҳатчиси, ташкилот комитети раисининг ўринбосари

Қорабоев М. Қ. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилот комитети раисининг ўринбосари

Тўлаганов К. Н — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилот комитети раисининг ўринбосари

Фозилбеков А. И. — Тошкент шаҳрининг ҳокими, ташкилот комитети раисининг ўринбосари

Шодиметов Ю. Ш. — Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлимининг мудири, ташкилот комитетининг котиби

Алламуродов Б. А. — Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси

Азимов У. — Президентнинг Давлат маслаҳатчиси

Орзиматов А. С. — Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи марказий комитетининг биринчи котиби

Аҳмедов Р. — Рассомлар уюшмасининг раиси

Аҳмедов Р. У. — Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири

Алматов З. А. — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири

Алиев Ғ. А. — Миллий хавфсизлик хизматининг раиси

Абдуллаев Ж. А. — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири

Боқибоев Э. Ж. — Ўзбекистон Республикаси молия вазири

Исаев А. Н. — «Узмонтаж махсусқурилиш» давлат уюшмасининг раиси

Йўлдошев Ж. Ғ. — Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири

Жамол Камол — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби

Жўрабоев А. Ж. — «Халқ сўзи», «Народное слово» газетасининг бош муҳаррири

Журавлев В. Н. — Тошкент авиация бирлашмасининг бош директори

Қориева Б. Р. — Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг раиси

Каримов Ш. И. — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири

Кенжабоев М. — шоир

Муҳамедов Р. Р. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқарувчисининг ўринбосари

Мирқосимов М. М. — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорати комитетининг раиси

Раҳимов К. — Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири

Расулов М. М. — Ўзбекистон Халқ Демократик партияси марказий кенгашининг биринчи котиби

Сафоев С. С. — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири

Сигедин В. Н. — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори

Темуров Ш. — «Маҳалла» республика хайрия жамғармасининг раиси

Отаев В. Й. — Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазири

Усмонов М. З. — «Ўзбексавдо» уюшмасининг раиси

Шоғуломов Р. Ш. — Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот комитетининг раиси

Шукрулло — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ҳайитбоев Э. Қ. — Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири

Ҳазратқулов М. — Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг бош директори

Хлебушкина А. П. — Тошкентдаги 22-болалар уйининг директори

Худойбердиева Ҳ. У. — Ўзбекистон хотин-қизлар комитетининг раиси

Қаюмов М. Қ. — Ўзбекистон кинематографиячилар уюшмасининг раиси

Қодиров П. — Республика Олий Кенгаши комитетининг раиси

Файзуллаев Р. Ф. — «Тошкентшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасининг раиси

Раҳимов А. — режиссёр

Ҳамидов Р. М. — режиссёр

Ёқубов О. — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ёқубов Д. — Республика «Наврўз» жамғармасининг раиси

Расулов М. — Тошкент шаҳрининг бош меъмори

Рустамов Э. Р. — «Тошкентқурилиш» давлат корпорациясининг раиси

Яҳёев Ш. Ғ. — Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компаниясининг раиси

Юсупова Б. А. — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари

Жалилов Ш. И. — Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари

Саидов Н. Ш. — Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари

Нарзиев И. Ҳ. — Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари

Субҳонова Г. — Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари

Раҳмонов Р. Р. — Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари

Фаҳриддинов Х. Б. — Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари

Дадажонова Д. Д. — Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари

Худойқулов А. Х. — Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари

Эрбеков И. Ю. — Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари

Абдуллаев М. — Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари

Маҳмудов М. Ҳ. — Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари

Ҳамидов Ҳ. Ҳ. — Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари

Жуманиёзов М. Ж. — Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари.

Миллий ифтихор талқинлари

ИМКОН НАМОЙИШИ — ЗАМОН ФАРМОЙИШИ

Бугун истиқлол қуёшидан куч олган мамлакатимизни жаҳон теран томирларга эга бўлган давлат сифатида кашф этаётир. Дунёдаги салкам 160 мамлакатнинг Ўзбекистонни мустақил ва истиқболи порлоқ давлат сифатида тан олишининг ўзиёқ бу фикрнинг айни ҳақиқат эканлигини кўрсатади. Бу ҳар биримизнинг кўнглимизга ишонч, умид ва сўнгсиз ифтихор туйғуларини бахш этади. Ўзбекистонимизнинг бузилмас бирлиги рамзи ҳисобланган Президентимизнинг энг мўътабар ва нуфузли халқаро анжуманларда иштирок этаётганлиги, Республикамизнинг, нафақат Республикамиз, балки яхлит қадимий минтақамиздаги тинчлик, хотиржамлик, барқарорликни сақлаш ҳамда жамиятни моддий ва маънавий фаровонликка элтиш нияти билан билдираётган дадил фикрлари, бизнинг юртбошимизга халқаро доираларда кўрсатилаётган юксак ҳурмат ва эҳтиром, назаримизда, фавқулодда бир ҳол эмас.

Ўзбекистондаги иқтисодий тангликни бартараф этишда, собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши оқибатида издан чиққан иқтисодий механизмларни тартибга келтиришда халқаро ҳамкорлик муҳим омиллардан бири эканлиги айни кунларда англаб етилган ҳақиқатдир. Юртбошимиз бундай ҳамкорликнинг устиворлашуви, турли давлатлар билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, Ўзбекистоннинг улкан ва туганмас имкониятларини бутун дунёга намойиш қилиш учун тинимсиз саъй-ҳаракат қилмоқда ва шу йўл билан дунё ишбилармонларини ҳамкорликка чорлаяпти. Бу йўлни юртбошимиз истиқлолимиз истиқблининг гарови деб билаётир.

Маълумки, иқтисодий жиҳатдан ўзини аллақачонлар мустаҳкамлаб олган Европа Ўзбекистонни, асосан, пахта хомашёси мамлакати сифатида билар эди. Юртбошимизнинг Европа мамлакатларига қилаётган кўпдан-кўп ташрифларининг асосий мақсади Ўзбекистонни бу мамлакатлардаги дўстларга танитиш, давлатимизнинг бой иқтисодий заҳираларидан уларни бохабар қилиш ва уларнинг тажрибаларини ўрганишга қаратилаётир. Шу маънода И. А. Каримовнинг Швейцариядаги «Форум фонд» халқаро иқтисодий ташкилотининг IV сессиясида шу йил 18 июнда сўзлаган нутқини Ўзбекистоннинг улкан имкониятларини намойиш қилувчи муҳим бир ҳужжат деб айтиш мумкин. Зотан, бу нутқда Ўзбекистонимизнинг бугунги юзи, унинг тинчлик, осойишталик, тараққиёт ва ҳамкорлик сари дадил одимлари очиқ-ойдин кўрсатиб берилди. Ўзбекистондаги мавжуд жараёнлар Европанинг сиёсатдонлари, йирик ва нуфузли арбоблари олдида холис таҳлил этилди.

Мустақил Ўзбекистон бугунги кунда ўз истиқбол тараққиётининг ўтиш даврини бошидан кечирмоқда. Бу йўл янгиланиш, ривожланиш, юксак мақсадлар томон дадил тараққиёт йўлидир. Президентимиз нутқида мана шу йўлнинг энг муҳим беш принципи алоҳида-алоҳида кўрсатиб берилди. Уларда иқтисоднинг сиёсатдан устун бўлиши, бунда, айниқса, иқтисоднинг мафкуравий тазйиқлардан холи бўлиши лозимлиги, асосий ислоҳотчи фақат ва фақат давлат бўлиши кераклиги, жамиятда қонун ва қонунчиликнинг устворлиги, кучли ижтимоий сиёсатнинг амал қилиши, бозор иқтисодига ўтишда эволюцион йўлга риоя этилишининг зарурати аниқ ифодалаб берилди. Буларнинг барчаси айни пайтда амалиётга тадбиқ этилаётганлигига, сўз ва иш бирлигига эришилаётганлигига бутун Ўзбекистон аҳли шоҳиддир.

Юртбошимиз Европа савдо-саноат доираларига, ишбилармонларига ва барчага мақбул халқаро меъёрлар доирасида ҳамкорлик қилувчиларга Ўзбекистоннинг ниҳоятда улкан ер ости ва усти бойликлари, халқаро иқтисодий, маданий ҳамкорликнинг истиқболларини ниҳоятда ишонарли тарзда тавсифлаб берди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг амалий ҳамкорларга ҳурмат ва ишончга асосланган тенг, ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр эканлигига кафолатдир.

Президентимиз бизнинг тараққиётимизга эгри кўз билан қараётганлар томонидан ваҳима қилинаётган ислом ақидапарастлиги хавфига Ўзбекистон раҳбариятининг муносабатини очиқ баён қилди: «Биз тажовузкор коммунистик ақидапарастликка барҳам бердик ва минтақада ашаддий фундаментализмга асосланган ҳар қандай доктриналарни тарқатиш йўлидаги уринишларга қатъиян қарши турамиз», — деди у.

Биз ўзимизнинг адолатли юртбошимиз томонидан қилинаётган ва Ўзбекистонимизнинг равнақига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшиладиган бундай ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз. Президентимиз томонидан қўйилаётган ва бевосита истиқлолимиз тақдири билан боғлиқ бўлган вазифаларни амалга оширишда ўз билимимиз, куч ва ғайратимизни аямаймиз, уларни мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун сафарбар қилаверамиз!

К. ЮСУПОВ,
Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректори, профессор.
К. МАҲМУДОВ,
Б. ТУХЛИЕВ,
Х. ХОМИДОВ,
Р. РАСУЛОВ,
филология фанлари докторлари, профессорлар.

МУАЛЛИМЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўтган жума оқшомида Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги элчихонасида Москва Давлат педагогика университетини битириб чиққан ўзбекистонлик 66 ёш мутахассисга муаллимлик дипломларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг Россиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Юсуф Абдуллаев маросимда сўзлаган нутқида мазкур олий мактаб 25 йилдан буён республикамиз учун рус тили ва адабиётидан дарс берувчи малакали мутахассислар тайёрлаб келганини таъкидлаб ўтди. Энди мустақил Ўзбекистон бу соҳадаги таълимни ўзи ривожлантиради, бинобарин ҳозирги битирувчилар Москва Давлат педагогика университети ўзбек гуруҳининг сўнгги талабаларидир.

Ҳақиқатан ҳам Москвадаги бу олийгоҳни битирган минглаб ҳамюртларимиз республикамизнинг тарбия даргоҳларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Олийгоҳ ҳозирги кунда Россиянинг йирик педагог марказларидан бири. У бир асрдан кўпроқ тарихга эга бўлиб, 1872 йилда Герьбе олий хотин-қизлар курсидан бошланган эди. 1990 йилда институт университетга айлантирилди. Бу йирик педагогика ва илмфан масканида 18 факультет, 101 кафедра, электрон ҳисоблаш маркази, нашриёт, босмахона мавжуд.

Битирув кечасига бағишланган тантанали йиғилишда университет проректори В. Жог, Россия Федерацияси халқ таълими вазири ўринбосари В. Болотов, Россия олий мактаблар қўмитаси бош бошқармаси бошлиғи Ю. Новиков ва Ўзбекистондан борган меҳмонлар иштирок этдилар. Педагогика университетининг бир гуруҳ устозларига Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг мукофотлари топширилди.

Тантанали кеча Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалиловнинг жарангдор қўшиқлари ва ўзбек таомлари тортилган дастурхон устидаги самимий дил сўзлари билан якунланди.

Фахриддин ПАРПИЕВ,
Москва. (ЎзА).

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Азиз педагоглар, ўқитувчилар, тарбиячилар, мактаб раҳбарлари, халқ таълими ташкилот ва муассасалари раҳбарлари ўтган шанба, 26 июнь куни «Маърифат» газетасининг август кенгашларига бағишланган 1-илова сони чиққанлигидан хабарингиз бор. Таҳририятга қилинаётган қўнғироқлар илова сизда катта қизиқиш уйғотганлигини кўрсатиб турибди.

Келгуси ҳафтанинг чоршанба куни илованинг иккинчи сони босмадан чиқади. Унда Республика ўқув-методика маркази тайёрлаган «1993 йилда ўтказиладиган халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича методик тавсияномалар»нинг давоми ёритилади.

Тавсияномаларда педагоглар кенгашлари, шўъбалар фаолиятини намунали ташкил этиш йўллари, муҳокама ва мунозара мавзулари батафсил баён қилинган. Унда, шунингдек, халқ таълими тизимининг барча ўқув муассасаларидаги ўқув фанлари, башқарув ишлари бўйича, қозоқ тили, тожик тили ва рус тилида ҳам, чет тиллари шўъбалари иши бўйича ҳам асосий йўналишлари акс этган.

Иловани Республика ўқув-методика маркази орқали олишингиз мумкин. Олдиндан ҳозирлик кўриб қўйсангиз ютқазмайсиз!

САМИМИЙ ВА МАНФААТЛИ СУҲБАТ

Ўтган душанба куни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев «Би-би-си» Британия радиоэшиттириш компанияси Марказий Европа хизмати раҳбари Барри Элиотни унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Суҳбат чоғида Барри Элиот мустақил Ўзбекистон ҳаёти билан танишаётганини, уни республиканинг иқтисоди, маданияти, фан ва маориф тараққиёти масалалари қизиқтираётгани, бу борадаги ахборотларни «Би-би-си» орқали эшиттириб, Ўзбекистон билан Европа аҳлини яқинроқ таништириш мақсади борлигини баён этди. Бу борада Ўзбекистондаги ахборот воситалари билан келишув асосида иш олиб бориш режалари ҳам борлигини маълум қилди. Шунингдек, у ўзининг мустақил тараққиёт йўлидан бораётган республиканинг халқ таълими соҳасидаги янгиликлар ҳам «Би-би-си» эшиттиришлари учун муҳим мавзу бўлажагини қайд этди ва шу хусусда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошевга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Ўз мустақиллигининг икки йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон халқи истиқболи сари комил ишонч билан дадил бормоқда, — деди саволларга жавобан Ж. Ғ. Йўлдошев. — Республика Президенти ва ҳукуматининг қатъий ички ва ташқи сиёсати туфайли бугунги кунда Ўзбекистонни жаҳон танимоқда. Ҳозир дунёнинг кўплаб давлатлари билан, нуфузли ташкилотлар, ишлаб чиқариш компаниялари билан ўзаро манфаатли алоқалар кенгайиб бораётир. Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишта вазият, барча жабҳалардаги бунёдкорлик ишларининг ўз маромида боришини таъминлаш бунга имкон бераётир.

Ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш республика раҳбариятининг асосий вазифаларидан бўлиб келаётир. Бу борада, айниқса, халқ таълими соҳасига катта эътибор қаратилди. Зотан, Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлашнинг муҳим заминлари халқ таълими тараққиёти билан боғлиқдир.

Вазир Ўзбекистонда мактаб ва маорифни ислоҳ қилиш йўналишлари, бу борадаги янгиликлар, ишлаб чиқилган миқёсли дастурлар, концепциялар, янги типдаги мактаблар, таянч базалар, халқаро алоқалар, чет тилларни ўқитиш масалалари, таълим-тарбиядаги тажриба синов майдончалари, иқтидорли ўқувчиларни танлаш ва тарбиялаш ишларининг бориши, тест усулидаги синовлар, миллий мактаб муаммолари хусусида батафсил ахборот берди. Буларнинг ҳаммаси на Ўзбекистон учун, балки Европа мамлакатлари учун ҳам таълим соҳасидаги ўзига хос янгилик ва ўрганишга лойиқ тажрибалардир. Ўйлаймизки, «Би-би-си» мустақил республикадаги бундай ўзгаришларни рўйи-рост кўрсатишда ва Ўзбекистонни жаҳонга таништиришда саъй-ҳаракатини намойиш қилади.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган суҳбатда вазирлик бошқармаларининг бошлиқлари, бўлим мудирлари ва масъул ходимлари иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

АНДИЖОНДАН СИМ ҚОҚИШДИ

БАЛИҚЧИЛИК МАОРИФЧИЛАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИНИ БИРИНЧИ БЎЛИБ ЯКУНЛАДИЛАР

ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ

Ҳў-ўв бир йили, собиқ СССРда ҳали жиддий сиёсий ўзгаришлар юз бермаган даврда биз тошкентлик фаол маорифчилар билан мамлакатнинг оврупо қисмига дам олишга борган эдик. Ўшанда, ўз-ўзидан, фурсатдан фойдаланиб, у ердаги халқ таълимида амалга оширилаётган янгиликлар билан яқиндан танишдик. Украинанинг марказий шаҳарлари, Карпат орти туманларида бўлдик. Хуллас, улардаги таъминот масаласи асосий эътиборимизни тортди. Қарангки, Украинада маҳаллий ҳукумат қарори билан ҳар бир боғча ва мактабга икки, ҳатто тўрттадан оталиқ ташкилоти бириктирилган экан Ўша **ишлаб чиқариш ташкилотлари топган даромаднинг бир улушини ўз оталиғида бўлган таълим муассасасига ўтказиб туради. Бу ҳам ҳукумат томонидан қонунийлаштирилган.** Шунинг учун бўлса керак, мактаб ва боғчаларнинг моддий асоси ниҳоятда бақувват. Ўшанда биз жонажон Ўзбекистонимизда ҳам шундай йўл тутилишини жуда ҳам истаган эдик. Ниҳоят бу истагимиз, мусулмончилик — аста-секинчилик деганларидек, йиллар ўтиши билан амалга ошадиган кўринади. Негаки...

ИШОНЧ УЧУН ДАЛИЛ КЕРАК

Андижон вилоятининг Балиқчи туманидан яқингинада бир хушхабар келди. Унга кўра, туман маорифчилари 15 июнь куни янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини якунлашган экан. Ишонгинг келмайди, ажабланарли далил, шундай эмасми? Ахир, биз кечагина эски ўқув йилини якунлаган бўлсак, янгисининг бошланишига ҳали роса икки ярим ой бор. Бунинг устига, мана шундай маблағ танқислиги даврида бир челак бўёқ топишнинг ўзи бўлмайди. **Ўқув йилига тайёргарлик деганда эса биз фақат деворни оқлашу полни бўяшни тушунмаслигимиз керак.** Зеро, унинг маорифчилар яхши тушунадиган ўз ўлчов доираси ҳам бор.

Хуллас, Андижондан келган хушхабарга бир томондан қувондик, бошқа томондан эса ҳайратимиз ортди. Баъзибир касбдошларимиз эса, бўлиши мумкин эмас, дея гапни қисқа қилиб қўяқолишди.

Нима ҳам дердик, тажрибани чуқурроқ ўрганиш, маъқул бўлса, уни матбуотда кенгроқ ёритиш мақсадида Балиқчига йўл олдик. Амалга оширилган ишларни бирма-бир кўриб чиқдик, ва балиқчиликларнинг ҳимматига, серғайратлилигига, ташаббускорлигига қойил қолдик. Фалакнинг гардиши айланиб, эртага ўқиш бошланиб қолгудай бўлса, сиз унга тайёрмисиз? — деган саволимизга Балиқчи тумани ҳокими Абдусаттор Ғаниев ҳам, туман халқ таълими бўлими мудири Турғунбой Ўрмонов ҳам, қолаверса, ҳар бир маорифчи, албатта, тайёрмиз, дея жавоб беришди. Бундай ҳозиржавобликни эса фақат қутламоқ ва қувватламоқ керак.

(Давоми 3-бетда).

ЕЗ ГАШТИ.

РАСМИЙ БЎЛИМ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯНОМАЛАР

Республикамизнинг мустақил деб эълон қилиниши, халқ хўжалиги бошқарувининг бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосига кўчиши барча соҳалар сингари халқ таълими тизимини қайта ташкил этиш вазифасини ўртага қўйди. Ўзбекистон Республкасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни шундай эҳтиёж ифодаси, халқ таълими ривожининг туб асосидир.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, соғлом тарбиялаш масаласи бугунги кунда нафақат ўқитувчиларни, балки жамиятимизнинг кенг қатламларини, умуман ҳамма-ҳаммани тўлқинлантирмоқда. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг Сурхондарё вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқларида халқ хўжалигининг барча соҳалари қатори халқ таълими ходимлари учун ҳам дастуриламал вазифалар белгилаб берилди. Бу эса халқ таълимига бўлган эътибор айниқса, ўқитувчига бўлган эътибор кучайиб бораётганлигидан далолат бериб турибди.

«Ўқитувчи — олижаноб, мўътабар касб эканлиги ва илк чиқарилган фармонлар ўқитувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилганлиги, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилганлиги билан биз ўқитувчи ва педагогларни маънавий жиҳатдан рағбатлантиришни кўзда тутганмиз», — деб таъкидлайди И. А. Каримов. Халқ таълими ходимларига бўлган бундай эътибор ва юксак ишончга соҳа ходимлари самимий ва ҳалол меҳнатлари билан таълим-тарбия жараёнини тубдан янгилаш билан жавоб берадилар, албатта.

Ҳозирги пайтда таълим тизимининг барча жабҳаларида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Янги Қонун асосида вариантив ўқув режалари, дастурлар яратилди, дарсликларга маълум ўзгартишлар киритилмоқда. Фанлар бўйича таълимнинг давлат стандартларини яратиш ишлари бошлаб юборилди. Халқ таълими вазирлиги томонидан таянч (5-синф) мактаби учун ягона ўқув режаси ишлаб чиқилди.

Давлат ихтиёридаги мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда, мактаб ихтиёрига бериладиган фанларга ҳам эътибор кучайтирилди. Жумладан, мактаб ихтиёридаги соғломлаштириш дарслари, иқтисод асослари, табиатни асраш ва экологик билим асослари, эски ўзбек ёзуви, айрим фанларни чуқур ўрганиш ва қизиқишига кўра ўқувчининг ижодий камолотини ривожлантиришга йўналтирилган якка ҳамда гуруҳ машғулотларини ташкил қилиш, ижтимоий-фойдали меҳнат ҳамда факультатив машғулотларга зарур соатлар ажратилди.

Халқ таълими тизимида янгича ишлаш, миллий уйғониш ва маънавий ўзгариш ислоҳотини амалда қўллаш мақсадида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан чиқарилган фармон ва қарорлар ҳаётга жорий қилинаётир. Жумладан, «Ўзбекистоннинг ўқувчи ва ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисидаги, «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги фармонлар асосида иқтидорли, ижодкор ёшларни излаб топиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, олимпиадалар, мусобақалар, кўрик-танловларга тайёргарлик кўриш ва иштирок этишга жиддий ёндашилаяпти. Бу йилги педагогларнинг август кенашларида ҳам бу борадаги вазифалар кенг муҳокама қилинади.

Анъанага айланиб қолган август кенгашларини ўтказишда янги-яни ноанъанавий услуб ва шакллардан фойдаланиш ва уни тўлдириб такомиллаштириб бориш керак. Бу кенгашларни демократия, ошкоралик ва эркин баҳсмунозара шаклларида ўтказиш зарур.

Август кенгашларини 20 августдан бошлаб ўтказишни, ялпи мажлис учун бир кун, иккинчи кун эса секция, (шўъба)лар ишларини ташкил қилишни тавсия этамиз.

Кенгашни икки хил вариантда ўтказиш таклиф қилинади. Биринчиси, аввал ялпи мажлис, сўнг шўъба йиғилишлари; иккинчиси эса унинг акси бўлиши мумкин. Иккинчи вариантнинг афзаллиги шундаки, аввал шўъба йиғилишлари ўтказилиб уларнинг натижаларини ҳалқ таълими фаоллари йиғинида муҳокама қилиш имконияти яратилади.

Халқ таълими фаоллари ялпи мажлиси кун тартибини қўйидагича режалаштиришни тавсия қиламиз:

а) туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши юзасидан ҳисоботи.

б) Республика президентининг ўқувчиларни ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя этиш ва таълимни ривожлантириш борасидаги фармонларининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот (бу ҳақда туман (шаҳар) ҳокимияти чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади).

Ҳисоботга тайёргарлик кўриш жараёнида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари халқ таълими ривожланишининг педагогик диагностик таҳлили, шунингдек, ўтган ўқув йилидаги тест синовлари натижалари, болалар ўртасидаги жиноятчилик, ўқитувчилар ўртасида аҳлоқ бузиш ҳолатларини кенг муҳокама қилишга эътиборни қаратиш керак.

Мазкур масалалар юзасидан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг ҳаракат дастурларини ишлаб чиқишни тавсия қиламиз. Бу ҳаракат дастурлари илгарироқ матбуот саҳифаларида ёритилиб, сўнгра муҳокамадан ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур дастурлар туман (шаҳар) халқ депутатлари сессиясида тасдиқланса, унинг аҳамияти янада ортади.

Масалаларни муҳокама қилишда қўйилган вазифаларни уддалай олмаётган педагогик жамоаларнинг иш фаолиятларини танқидий баҳолаш лозим. Туман (шаҳар) услубиёт хоналари, вилоят ўқитувчилари малака ошириш институтлари ва фаолиятлари кенг ёритилиб, уларга қатъий баҳо берилиши керак.

Халқ таълими ходимларининг фаоллари йиғини ўтадиган жойда ўқувчилар ижодиёти кўргазмасини ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Август кенгашларининг фанлар бўйича шўъбалари ишининг муваффақияти унга қай даражада тайёргарлик кўрилганлиги билан боғлиқдир. Аввало, шўъбаларни ўтказиш жойини Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби, байроғи билан жиҳозлаш, шунингдек Ўзбекистон Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги қонун, Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» каби китоблари кўргазмаси ҳамда «Илғор тажриба минбари», «Ёш ўқитувчига ёрдам», «Иқтидорли болаларни танлаш ва улар билан ишлаш», «Фанларга қўйилган талаб ва вазифалар», «Мустақил Ўзбекистоним мафкураси» каби стендлар билан безашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Дастурлар ва таклифномаларни ишлаб чиқиш, шўъба йиғилишларини ўтказиш шаклларини белгилаш бўйича маърузалар тинглаш, «Давра суҳбатлари», «Очиқ дарслар», «Мунозаралар», амалий ўйинлар ташкил этиш, шунингдек фахрий педагоглар, ота-оналарнинг ташкилий равишда келишлари таъминланган ҳолда улар билан қизиқарли учрашувлар ўтказиш шўъба ишлари самарадорлигини оширади.

Ижодкор ўқитувчиларнинг ҳисоботларини тинглаш, ўқитувчилар республика танлови ва ўзига хос кўргазма қуроллари кўрик-танлови туман (шаҳар), вилоят ва республика ғолибларининг иш тажрибалари билан танишиш ҳам муҳимдир.

Шўъба йиғилишларида республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар, концепциялар, низомлар ҳамда фанлар бўйича ишлаб чиқилган давлат стандартлари (мезонлар) лойиҳаларини кенг муҳокама қилиб, вазирликка таклиф ва мулоҳазалар берилишини сўраймиз.

Янги турдаги ўқув муассасалари (лицей, гимназия) учун алоҳида шўъба ҳамда айрим фанларни чуқур ўргатиладиган мактаб раҳбарлари учун алоҳида шўъба йиғилишини ташкил этишни, шунингдек, ҳунар-техника билим юртлари ва мактабгача тарбия муассасалари раҳбарлари учун ҳам алоҳида шўъбалар ташкил қилиш тавсия этилади.

Барча шўъбаларда «Маърифат» газетасининг 1993 йил 19 май сонида «Буюк мақсад йўлида оғишмайлик» сарлавҳаси остида берилган ўқув-тарбия ишларида республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси материалларини ўрганиш учун методик тавсияларни ўрганиб чиқиб, уни амалга ошириш режаларини белгилашни тавсия этамиз.

Мустақил Республикамиз Конституциясининг, Мадҳияси, Рамзи, Байроғи ҳақидаги тушунчаларни дарсларда ўрганиш тавсияларини ишлаб чиқишда «Маърифат» газетасининг 1993 йил 30 январь сонида ёритилган РЎММнинг ва Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг методик тавсияларидан фойдаланиш мумкин.

Барча шўъбаларда фанлар бўйича умумий таълим, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияларини ва бошқаларни кенг муҳокама этиб, уни амалга ошириш йўлларини белгилаш кўзда тутилади.

Кечки мактаб ўқитувчилари туман (шаҳар) фан шўъбаларида иштирок этишларини тавсия қиламиз.

Кечки мактаб директорлари ва таълим-тарбия ишлари бўйича директор муовинлари учун, синф раҳбарлари ва мактабдан ташқари ходимлари учун шўъбалари алоҳида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Янги ўқув йилининг биринчи ҳафтаси (2—5 сентябрь)ни «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» шиори остида ўтказишни, биринчи сентябрь куни барча ўқув муассасаларида мустақилликка бағишланган йиғилишлар, ижодий беллашувлар, оммавий спорт мусобақалари ва кўриклар ташкил этишни тавсия этамиз. Бунинг учун олдиндан мазкур тадбирларнинг аниқ режа-тафсилотномаларини ишлаб чиқиш лозим.

Анъанавий август кенгашларини мазмунли ўтказиш жойлардаги халқ таълими бошқармалари ва бўлимларининг ташаббускорлигига боғлиқ. Бу катта йиғиннинг мақсадга мувофиқ, ижодий, таъсирли ўтиши янги ўқув йили муваффақиятларига дебоча эканлигини унутмаслик зарур.

Халқ таълими вазирлигининг шу йил 21 майдаги 157-сонли буйруғига асосан барча турдаги ўқув муассасаларида 1993-94 ўқув йилининг биринчи дарси «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» дарси сифатида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим Бош бошқармаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ МАТНИДА ҚЎЛЛАНГАН АТАМА ВА ИБОРАЛАР РЎЙХАТИ

РУСЧАСИ	ЎЗБЕКЧАСИ
налоговая система	— солиқ тизими
народовластие	— халқ ҳокимиятчилиги
национально-государственное устройство	— миллий давлат тузилиши
национальное согласие	— миллий тотувчилик
неприкосновенность	— даҳлсизлик
несовершеннолетие	— вояга етмаганлар
нетрудоспособные	— меҳнатга лаёқатсизлар
нормальное функционирование	— нормал фаолият
нормативно-правовой акт	— норматив-ҳуқуқий ҳужжат
нормы международного права	— халқаро ҳуқуқ нормалари
обжалование	— шикоят қилиш
общественная активность	— ижтимоий фаоллик
общественная объединения	— жамоат бирлашмалари
общество	— жамият
общечеловеческие принципы	— умуминсоний принциплар
обыск	— тинтув
обычай	— урф-одат
обязанности граждан	— фуқароларнинг бурчлари
обязательный платеж	— мажбурий тўлов
ограничение	— чеклаш
оперативно розысканые функции	— тезкор-қидирув вазифалар
оппозиционные меньшенство	— озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахслар
осмотр	— кўздан кечириш
отзывные грамоты	— чақирув ёрлиқлари
отставка	— истеъфо
персональная ответственность	— шахсан жавобгарлик
печатные органы	— матбуот органлари
покровительство	— ҳомийлик
политическая воля	— сиёсий ирода
политическое убежище	— сиёсий бошпана
полномочие	— ваколат
полномочные представители	— мухтор вакиллар
полноправный субъект	— тўла ҳуқуқли субъект
правление	— бошқарув
правовая защита	— ҳуқуқий ҳимоя
право	— ҳуқуқ
права и свободы граждан	— фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари
посёлка	— шаҳарча
правовые возможности	— ҳуқуқий имкониятлар
право наследования	— мерос ҳуқуқи
право неприкосвенности	— даҳлсизлик ҳуқуқи
право обжалования	— шикоят қилиш ҳуқуқи
правохранительный орган	— ҳуқуқни мудофаа қилувчи орган
правопорядок	— ҳуқуқий тартибот
правосудие	— одил судлов
предприниматель	— тадбиркор
предпринимательская деятельность	— тадбиркорлик фаолияти
предприятие	— корхона
представительный орган	— вакиллик органи
Премьер министр	— Бош вазир
принцип	— принцип
приоритет	— устунлик
природные ресурсы	— табиий заҳиралар
присяга	— қасамёд
программа	— дастур
прожиточный минимум	— тирикчилик учун зарур энг кам миқдор
профессиональные союзы	— касаба уюшмалари
разбирательство дел	— ишларни кўриш
район	— туман
распоряжение	— фармойиш
ратификация	— ратификация (тасдиқлаш)
рациональное использование	— оқилона фойдаланиш
ревизионная комиссия	— тафтиш комиссияси
редактор	— муҳаррир
редакционная коллегия	— таҳрир ҳайъати
решение	— қарор
родительская опека	— ота-оналарнинг васийлиги
роспуск	— тарқатиб юбориш
рыночные отношения	— бозор муносабатлари
самоуправление	— ўз-ўзини бошқариш
свобода	— эркинлик
свобода волеизъявления	— ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги
свобода совести	— виждон эркинлиги
свобода слова	— сўз эркинлиги
свобода убеждений	— эътиқод эркинлиги
система	— тизим
следство	— тергов
служба национальной безопасности	— миллий хавфсизлик хизмати
смета	— смета (лойиҳа)
собственник	— мулкдор
советник	— маслаҳатчи
согласительные процедурь	— муросага келтирувчи воситалар
соглашение	— битим
состав	— таркиб
социальная справедливость	— ижтимоий адолат
социальное обеспечение	— ижтимоий таъминот
социальный слой	— ижтимоий табақа
средства массовой информации	— оммавий ахборот воситалари
срок полномочие	— ваколат муддати
стихийное бедствие	— табиий офат
стратегическая прогрмма	— стратегик дастур
структура	— тузилиш
суверенная демократическая	— суверен демократик
суверенное равенство	— суверен тенглик
судебная власть	— суд ҳокимияти
судебная защита	— суд орқали ҳимоя қилиш
судопроизводство	— суд ишларини юритиш
сходь граждан	— фуқаролар йиғинлари
территориальная целостность	— ҳудудий яхлитлик
территория	— ҳудуд
традиция	— анъана
трудовой отпуск	— меҳнат таътили
трудоспособность	— меҳнат лаёқати
указ	— фармон
устав	— низом
учреждение	— муассаса
финансовая система	— молия тизими
форма собственность	— мулк шакли
хозяйственная споры	— хўжалик низолари
цензура	— цензура
частная собственность	— хусусий мулк
черезвычайное положение	— фавқулодда ҳолат
экологическая среда	— экологик муҳит
экономика	— иқтисодиёт
эпидемия	— эпидемия
юридическая помощь	— юридик ёрдам
ячейка	— бўғин

(Боши ўтган сонда).

ЁШ ТАБИАТШУНОСЛАР БАЙРАМИ

Андижон вилоят Марҳамат туманидаги Исмоилжон Усмонов номли болалар истироҳат боғида ёш табиатшунослар байрами бўлиб ўтди. Байрамга тумандаги 29 та ўрта ва 6 та тўлиқсиз ўрта мактабдан 500 нафарга яқин ўқувчи, биология фани ўқитувчилари, ўқувчилар етакчилари, мусиқа фани ўқитувчилари ҳамда тарбиявий ишлар ташкилотчилари қатнашдилар.

Мактаблар бадиий ҳаваскорларининг табиат байрамига бағишланган чиқишлари ҳаммани мамнун этди. Табиат байрамига тавсия этилган барча турдаги кўргазмаларни ёш табиатшунослар маскани услубчиси Ўткирбек Ҳақёров бошчилигидаги биология фани ўқитувчиларидан иборат ҳакам аъзолари баҳоладилар.

Мактаблар ўртасида А. Набиев номли мактаб ўқувчилари биринчи, О. Тўлибоев ва Улуғбек номли мактаблар ўқувчилари иккинчи, Т. Мирзаев номли, Й. Охунбобоев номли, М. Зокиров номли мактаб ўқувчилари учинчи ўринни, тўлиқсиз ўрта мактаблардан Муқимий номли мактаб биринчи ўрин, Ф. Ҳожиқулов номли мактаб ўқувчилари иккинчи, А. Мамажонов номли мактаб ўқувчилари учинчи ўринни эгалладилар.

Биринчи ўринни эгаллаган 1-ўрта мактаб жамоаси вилоятда ўтказиладиган табиат байрамда қанашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

А. ЭРАЛИЕВ,
Марҳамат туман ёш табиатшунослар масканининг ташкилотчиси.

Умид билан суқилган таёқ, Бир кун берар меваю яп-роқ, — дейишади. Худди шу нуқтаи назардан, Пахтакор туманида ўтказилган ёш ижодкор ўқитувчиларнинг кўрик-танлови хайрли ишнинг дебочасидир. Тумандаги 8-ўрта мактабда ўтказилган бу кўрик-танловда ёш ўқитувчилар ўзларининг шеърлари, ҳикоялари, қўшиқлари билан иштирок этишиб, иқтидорларини намойиш этдилар. Суратда кўрик танловдан лавҳалар акс эттирилган.

Суратка У. ҚУШВОҚОВ.

Нуқтаи назар

«ОДОБНОМА» ҚАНДАЙ ЎҚИТИЛЯПТИ?

Оққўрғон тумани халқ таълими бўлимида «Мактабларда одобнома фани қандай ўқитилаяпти?» деган мавзуда йиғилиш ўтказилди.. Мактаб раҳбарлари, методистлар, одобнома фани ўқитувчилари иштирок этган мазкур анжуманда «Мактабингизда одобнома фани қандай ўқитилмоқда?», «Бу фандан дарслик — қўлланма етарлими?», «Ўқитувчиларнинг бу фанга қизиқишлари қай даражада?» каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Жамоатчи методистларнинг туман мактабларида одобнома фанининг ўқитилишидаги эришилган ютуқ ва камчиликлар ҳақидаги ахборотлари тингланди. Шунингдек, муаллимлар баъзи мактаб раҳбарлари мазкур фанга факультатив ҳисобидан 5—11-синфларга вақт бераётгани ҳолда, айрим мактабларда синф раҳбарлари ёки даҳлсиз ўқув фани ўқитувчиларига юклатилгани рўйирост айтилди.

Каминаи камтарин шу имкониятдан фойдаланиб, мактабларимизда ўтилаётган, «Одобнома» фани юзасидан кузатишлар, мулоқотлар ва ҳаётий тажриба асосида фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Жумҳурият ўқув-методика марказининг 1991 йил ўқитувчиларнинг август кенгашига чиқарилган тавсияномасидаги қуйидаги сатрларга эътибор берайлик:

— Одобнома дарслари жумҳуриятимиз шароитида амалий фаолиятда ўзини тўла оқламаган «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» дарси ўрнига, дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг 10-синфларида 1991-92 ўқув йилидан бошлаб ўқитила бошланади...

— 1992-93 ўқув йилидан бошлаб «Одобнома» дарслари 1—11 синфларда олиб борилиши мўлжалланмоқда...

Кўриниб турибдики, тавсияномадаги тадбир ҳаёт талабидек кўринади. Лекин 75 йиллик ўтмишимизнинг аччиқ сабоқларидан, бой берилган меросу маънавий тафаккуримиздан тегишли хулоса чиқариб, ўсиб келаётган авлодларимизнинг турмуш фаровонлигини қайта қуриш мақсадида ёшларга ахлоқ-одоб кўникмаларини чуқур сингдириш, уларни ҳаётга тайёрлашдек ўта долзарб масалаларда жиддий ўйлаш ва узоқни кўзлаб иш тутиш вақти келди.

Тавсияномадаги «...ўзини тўла оқламаган...» иборасини шарҳлашга бироз тўхталсак. Собиқ СССР Маориф министрлиги мактаблар бош бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» дастури умумий таълим мактабининг 9-синф ўқувчилари учун мўлжалланган курс материаллари Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек миллатининг турмуш шароитлари, урф-одатлари, тарихий ва маданий меросларини ҳисобга олинмагани учун ҳам ўзини оқламаган бўлиши мумкин.

Яна тавсияномада «1992-93 ўқув йилидан бошлаб «Одобнома» дарслари 1-11-синфларда олиб борилиши мўлжалланмоқда...» дейилган. Лекин бундан 3 йил аввал айтилган гап бугунги режага тўғри келмаяпти-ку. Ўша ўқув йили режасида 10-синфдаги «Одобнома»га берилган соат бошқа синфларда кўринмаяпти. Аниқроқ қилиб айтсак, айрим мактаблар раҳбарияти бу фанга қўшимча соат ажратмаяпти.

Шу фандан дарс ўтаётган ҳамкасбларнинг айтишича, режадаги «Саломлашиш одоби», «Сўзлашув одоби», «Овқатланиш одоби», «Озодалик одоби», «Ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бориш одоби», «Исрофгарчиликка йўл қўймаслик ва нонни эъзозлаш одоби», «Зарарли одатлардан сақланиш одоби», «Меҳнат қилиш одоби», «Ўспиринлик даврининг ўзига хос одоби», каби дастлабки 9 та мавзуни 10-синфда ўтиш ўқитувчини ноқулай аҳволга тушириб қўяркан. Чуқурроқ ўйлаб кўрсак, юқоридаги мавзулар оила, боғча, бошланғич ва қуйи синф ўқувчиларга ўргатиладиган одоблар. Шунинг учун ҳам «Одобнома» китобида таъкидланганидек, одоб фани болалар боғчалари тарбиячиларига, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакилларига тақдим этилган.

Хизмат юзасидан райондаги 4 та мактабда бўлиб, 10-синфлардаги «Одобнома» фанининг ўқитилиши билан танишарканман, ўқувчиларнинг муомала маданияти, юриш-туриши, ўзаро муносабатларини зимдан кузатдим. Яқингинада европача мода кетидан қувиб, табиат берган гўзалликни сунъийлаштираётган маҳаллий ёшларимизда шарқона урф-одатларга кўникиш, миллий либосларга бурканиш, энг муҳим, имон ва эътиқод каби ҳис-туйғуларини ўзларига жо этаётганликларини англаб, ич-ичимдан севиндим.

Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, айрим мактабларда Одобнома фани қайсидир ўқитувчи ойлигини ошириш учун ёки ҳаётда оиланинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаган, бола тарбиясининг қадрига етмайдиган кимсаларга бериб қўйилган. Бир соатга ҳам бошимни қотираманми, дегувчилар ҳам топилади. Оқибатда бу фан йиларо у ўқитувчидан бу ўқитувчига ўтаверади. Қарабсизки, мактабларда мазкур фанга қизиқиш сусаяди.

«Таълим тўғриси»даги қонундан келиб чиққан ҳолда, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда ўқитилаётган «Одобнома» курсини ўқувчиларнинг ёшлик хусусиятларини назарда тутиб, уч босқичда (1—4-синфлар, 5—9-синфлар ва (10—11-синфлар) ўтказилишини, шу асосда дастур ва дарслик яратилишини таклиф этамиз. Бу — биринчиси.

Иккинчидан, 10—11-синфларда ўтиладиган курснинг номини «Одобнома» эмас, балки «Оила этикаси», «Турмуш маданияти», «Ҳаёт бўсағасида» каби ном билан алмаштириш лозим. Чунки бу босқичдаги ўқувчиларга мустақил ҳаёт, оила қуришнинг шарафли ва қийин томонлари, оила ва никоҳ, оилада бола тарбияси, оиланинг бюджети ва хўжалигини юритиш, оилавий муносабатлар, энг муҳими — ота-она ҳамда жамиятга хизмат қилиш зарурати ҳақида маълумотлар бериб борилади.

Учинчидан, ўтмишдаги ўзбек халқ педагогикасининг бой тажрибасига таяниб, юқоридаги одоб дарсларини иккига (ўғил болалар ва қизлар гуруҳига) бўлиб ўтишни ташкил қилиш зарур.

Тўртинчидан, юқори синфлардаги дарс соатини кўпайтириш керак, чунки ҳафтада бир соатлик маъруза билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Тиллабек МИРЗААҲМЕДОВ,
Оққўрғон туманидаги 4-ўрта мактабнинг одобнома фани ўқитувчиси.

АНДИЖОНДАН СИМ ҚОҚИШДИ

(Боши 1-бетда).

ДАЪВАТГА ЖАВОБАН

Мен аллақачон жорий таъмирдан чиқарилган боғча ва мактабларни кўздан кечириб юриб шунга амин бўлдимки, туман маорифчилари ва барча меҳнаткашларининг мактабнинг мавсумий тайёргарлик ишига виждонан ёндашуви Балиқчида янгилик эмас экан. Буни, албатта, республикамиз ҳукуматининг «Келажагимиз — мактабда!» дея таълим тўғрисида қайғураётгани, юртбошимиз Ислом Каримовнинг кўпгина нутқ ва асарларида маорифнинг республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашдаги тутадиган ўрнини, республикамиз истиқболини яратишдаги мавқеини яққол кўрсатиб берганининг оқибати натижаси дея баҳолагимиз келади. Шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги қонунда ҳам мактаб-маориф ишида оталиқ ташкилотлари ва кенг жамоатчиликнинг тутадиган ўрни, уларнинг вазифалари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Балиқчида эса бу борада ташвиқот-тарғибот ишлари чуқур олиб борилган кўринади. Зеро, **тумандаги барча ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар, кенг жамоатчилик,умуман, барча кишилар эътиборини мактаб-маориф ишига жалб эта билиш жуда катта маҳорат, меҳнат ва тажрибани тақозо этади.**

ТАШАББУСНИНГ БОШЛАНИШИ

Энди ишнинг бошланиши қандай кечган эди, деган савол туғилиши табиий. Гапнинг индаллосини айтганда, ўзбек аёлларининг азиз номларини узоқ тарихдаёқ юксакликка кўтара олган шоира Нодирабегимнинг таваллуд топганига 200 йил, ўзбек халқининг ифтихори бўлган шоҳ ва шоир Бобур Мирзонинг таваллуд топганига 510 йил тўлиши муносабати билан ўтказиладиган «Гулла, яшна, Андижоним!» номли анжуман олдидан Андижон вилояти ҳокими вилоятда кенг миқёсли тайёргарлик ишларини олиб бориш ҳақидаги ҳужжатни имзолади. Мазкур ҳужжатда кўрсатилишича, барча жойларда биноларни таъмирлаш, ободонлаштириш каби ишларни олиб бориш керак эди. Ҳужжат билан танишиб чиққан халқ таълими бўлими мудири Тургунбой Ўрмонов ўйланиб қолди. Унинг фикр-ўйида янги бир ғоя, ташаббус чарх ура бошлаган эди. Хўш, шу тайёргарлик ишларини янги ўқув йилига ҳозирлик кўриш билан бирга қўшиб олиб борса бўлмасмикин? Ахир, бу билан бутун ёз бўйи бўладиган оворагарчиликларнинг олди олинади. Маблағ, ишчи кучи масаласига келсак, излаган имконият топади, дея бежиз айтишмаган-ку.

Аммо қандай қилиб? Ҳокимиятдагилар бундай ташаббусни маъқуллармикан?

Мудир ўз фикрларини бирма-бир қоғозга тушира бошлади:

1. Мавсумий ҳашар ёрдам роппа-роса 45 кун давом этади.

2. Бу ишга оталиқ ташкилотлари, ота-оналар, кенг жамоатчилик жалб этилади.

3. Иш ягона, мустаҳкам бошқарув асосида, режали тартибда олиб борилади. Ҳар йилгидек эртага ўқув йили деганда тайёргарликни шошилинч тугатишга, олақурроқ таъмирлашларга чек қўйилади.

4. Маорифчиларнинг ёзги таътилни яхши ўтказишларига, ўқув йилига руҳан мустаҳкам ҳозирлик кўришларига имконият яратилади.

5. Давлатнинг жуда катта маблағи тежаб қолинади... Ва ҳоказо.

Бундай ишларни амалга ошириш учун, **аввало, туман ҳокимиятининг ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканлиги ҳақидаги розилигини олиш керак эди.** Шундай ҳам бўлди. Мудир 20 апрель куни ҳокимият биносида бўлиб ўтган мажлисда ўз фикрларини залда ўтирганларга етказди. Орага оғир сукунат чўкди. Сўнг, бу сукунатни туман ҳокими бузди. У, ёрдам берсак керак, ҳарҳолда, жуда яхши ташаббус, шундай эмасми? — дея мажлис аҳлига мурожаат қилди. Одамлар иккиланибгина бош ирғашди. Аммо, уларнинг юзида розилик аломати сезилиб турарди.

ХАЙРЛИ ИШГА ҚЎЛ УРИЛДИ

Эртасига саҳар чоғи ҳоким мудири телефон орқали ўз ҳузурига чорлади. У вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят ҳокимиятидагилар билан маслаҳатлашганини, ишни кечиктирмай бошлаши мумкинлигини, ҳар қандай ёрдамга тайёр эканлигини айтди. Зудлик билан халқ таълими муассасалари раҳбарларининг йиғилиши чақирилди. Унда янги ўқув йилига тайёргарликни қачон бошлаш ҳақида келишиб олинди. **Туман халқ таълими қошида фаол кишилардан иборат ташкилий қўмита тузилди.** Тайёргарлик ишларини кузатиб бориш ва кундалик амалга оширилган юмушларни жамлаш, туман ҳокимиятига ҳисобот тайёрлаш мазкур қўмитанинг асосий вазифаларидан этиб белгиланди. **Туман ҳокими эса шу орада оталиқ ташкилотларини мактаб ва боғчаларга қайтадан бириктириш, уларнинг кўрсатадиган беғараз ёрдамини янада кучайтириш ҳақида махсус қарор қабул қилди.**

Шундай оқилона йўл тутилдики, **оталиққа эга бўлмаган бирорта таълим-тарбия маскани қолмади.** Эътибор беринг, ишлаб чиқариш корхоналарининг ўз оталиғидаги таълим муассасаларига берадиган ёрдами республикамизда биринчи бўлиб Балиқчи туманида қонуний вазифа этиб белгиланди. Бу, бизнингча, жуда катта хайрли ишларнинг бошланиши демак.

Туман ҳокими Абдусаттор Ғаниевнинг маслаҳати билан тайёргарлик ишларини сифатли ва тез олиб борган таълим муассасалари учун учта мукофотли ўрин таъсис этилди.

45 КУНЛИК РЕЖА

Туман бўйича ялпи иш ёппасига 30 апрель куни бошланди. Маорифчилар жорий таъмир ва ялпи тайёргарликни 15 июнь куни, яъни роппа-роса 45 кунда якунлаш, капитал таъмирни эса 1 июль куни тугаллаш мажбуриятини олдилар. **Бу ишга тез орада ота-оналар, кенг жамоатчилик, оталиқ ташкилотлари жалб этилди.** Ягона бошқарувнинг афзаллигини қарангки бир мактабда ортиб қолган бўёқ шу нарса танқис бўлган боғчага, боғчада ортиб қолган оҳак ёки албастр бошқа мактабга элтиб берилди. Таъмирлаш, хоналарни жиҳозлаш ва безатиш борасида муаллимлар ўзаро фикр алмашиб турдилар. Аммо **ҳар бир мактаб ва боғчанинг хоналарининг таъмиридаги, безагидаги асл нусхалилик, ўзига хос хусусиятлилиги сақлаб қолинди.**

ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

Ота-оналар ҳам қараб туришмади; улар маблағ масаласида фарзандлари таҳсил олаётган боғча ёки мактабга баҳоли қудрат, холисона ёрдам кўрсатишди. **Мактаб-маорифга тўғридан-тўғри алоқаси бўлмаган ташкилотлар ҳам қокимиятнинг «таклифи» билан таълим муассасаларидан бир-бир хабар олиб туришди.** Ахир, туман бўйича асосий эътибор шу тайёргарлик ишларига қаратилган бир чоғда кимнинг ҳақи бор қўл қовуштириб ўтиришга. Оталиқ ташкилотларинику қўяверинг, маорифчилар айтган нарсани мухайё қилишга доимо тайёр туришди. Баъзибир корхоналар мактабларга ишчи кучларини юборишди.

Яна туман ҳокимиятининг маслаҳати билан **молия ташкилоти мактабларга жиҳозлар сотиб олиш учун роса икки миллион сўм қўшимча пул ажратди.**

Бу орада халқ таълими бўлими қошидаги ташкилий қўмита таъмир ишларининг сифатини мунтазам кузатиб борди, туман ҳокимияти эса оталиқ ташкилотларининг ёрдамини ўзининг қатъий назорати остига олди.

САРҲИСОБ

Шундай қилиб, 1993 йилнинг 15 июни куни балиқчиликларнинг янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини якунлаганликлари ҳақидаги хушхабар кенг доираларга тарқалди. Андижонликлар бу хусусда тошкентликларни ҳам хабардор этишди. Тумандаги мавжуд 52 та умумтаълим мактаблари, 31 та мактабгача тарбия ва 6 та мактабдан ташқари таълим муассасаларининг умумий аҳволи яхшиланди. Уларнинг ички ва ташқи кўринишни миллий ва замон руҳида безатилди. Жорий таъмир жуда сифатли ўтказилди.

Тайёргарлик жараёнида Улуғбек номли, Х. Эргашева номли, «Ғалаба», Олимбек номли, Бобур номли, СИЗа жамоа хўжаликлари, Балиқчи ремонт ишлаб чиқариш корхонаси пахта тозалаш заводи, спорт моллари фабрикаси ва ҳоказо оталиқ ташкилотлари, айниқса, серҳиммат эканликларини намойиш этдилар.

Ҳашарчилар давомида 2 минг квадрат метр ойна солинди 17 та гуруҳ иситиш тармоқлари, 30 та ошхона, 22 та буфет, 29 та спорт зали, 70 та устахона, барча фан кабинетлари, лабораториялар таъмирланди. Ўқувчилар кўмагида эса 65 минг та дарслик, 17 минг та кўргазмали қурол, 10 минг бир муассаса учун ўрта ҳисобда 300 минг сўм пул сарфланган бўларди. Ҳа, қурилиш ташкилоти таъмирни шунчага, балки бундан ҳам кўпроққа бажаради. Демак, мавсумий тайёргарликни уюқоқлик ва оқилона олиб борилганлиги учун давлатнинг ўрта ҳисобда, агар адашмаётган бўлсак **45 миллион сўм пули тежаб қолинди.**

Балиқчиликлар бу билан ҳақли равишда фахрланса лар арзийди.

РАҒБАТ

Шу йил 15 июнь куни Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг кўчма ҳайъат йиғилиши Балиқчи туманида ўтказилди. Шу куни тайёргарликнинг эрта якунлангани муносабати билан семинар-кўрик ҳам ташкил этилди. Йиғилиш иштирокчилари балиқчиликларнинг иш тажрибаларини ўргандилар, таълим муассасаларини бир-бир кўздан кечирдилар. Уларнинг иши барчага манзур бўлди. Балиқчи туманида республикада биринчи бўлиб янги ўқув йилига тайёргарлик кўрилгани учун Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси **балиқчилик маорифчиларни битта янги автобус билан мукофотлади.** Шунингдек, туман халқ таълими бўлими қошидаги ташкилий қўмита ҳамда ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра тайёргарлик ишларини тез ва сифатли якунлаб, 1-, 2-, ва 3-ўринни эгаллаган мактаб ва боғчаларга турли совға саломлар, пул муколотлари берилди.

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Янги ўқув йилига тайёргарлик мактаб ва боғчаларда қилинадиган ишларни ҳисобга олганда, ниҳоясига етди. Энди ўқитувчи ва мактаб раҳбарлари ҳам яқин йиллар ичида илк бор ташвишлардан ҳоли бўлиб дам олишади: Аммо, бундай якунланишни **шартли маънода,** десак тўғроқ бўлар. Чунки **ўқитувчи-ўқувчиларнинг дам олиши, янги йилга руҳан пухта хозирлик билан келишлари ҳам тайёргарлик сирасига киради-да.** Демак, ўқув йилига руҳий жиҳатдан ҳозирлик кўриш август ойининг охирига қадар давом этади. Ҳозир балиқчилик маорифчилар Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида очилган «Дилқушод» ўқитувчилар дам олиш оромгоҳида ҳордиқ чиқаришяпти. У ерга арзонлаштирилган нарҳда ҳозирча 20 та йўлланма берилган. 60 нафар муаллим эса ихтисосий санаторийларга юборилди.

Мактаб ўқувчилари учун туманда 3 та хўжаликлараро дам олиш оромгоҳи ташкил этилган. У ерда ҳозир минг нафар ўқувчи дам олаяпти. Бундай жойларни назорат қилиш ҳам туман халқ таълими бўлимининг зиммасида. Демак, мактаб ва боғчалардаги тайёргарлик ишларини эрта якунлаш орқали маорифчилар учун ёз бўйи пухта дам олишлари борасида қулай ва кенг имкониятлар ҳам яртилади.

ОММАЛАШТИРИШГА АРЗИР ЭКАН

Шуниси диққатга сазоворки, балиқчилик маорифчилар бу йил бажарган олийжаноб ишларига ўткинчи кампаниячилик нуқтаи назаридан ёндашмаяптилар. Энди улар янги ўқув йилига тайёргарликни ҳар йили 15 июндаёқ якунлашга аҳд қилишди. **Буни улар доимий анъанага айлантиришмоқчи.**

Бизнингча, балиқчилик маорифчилар кўтариб чиққан ташаббусни барча жойларда қўллаб-қувватлаш керак. Зеро, унинг кони фойда эканлиги маълум. Уларнинг бу борада орттирган тажрибалари нафақат Андижон вилоятида, балки **республика миқёсида ўрганилса, оммалаштирилса арзийди.**

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

МУАЛЛИМ

Юсуф Тошматов нони ҳалол ўқитувчилардан. Бутун умрини мактабда ўтказаётир, десак муболаға бўлар. Чунки унинг ҳам уйи, рўзғори, отасидан қолган ҳовли билан томорқаси бор. У қайси ишга киришмасин, астойдил бел боғлаб киришади. Меҳнатдан қочмайди. Отаси Тошмамат Деҳқондан қолган томорқада тер тўкиб ишлайди. Токларни, анорларни кузда кўмиб, баҳорда очиб, тарайди. Атрофларини юмшатиб, гўнг солади. Улар баракали ҳосил беради. Ҳовлида ўрик, олма, ёнғоқ, гилос ва бошқа мева берадиган дарахтлар ҳам бор. Бундан ташқари дарахтлар орасига сабзи, пиёз, саримсоқ, помидор, картошка каби экинлар, кўкатлар ҳам экади. Худди суфийлар сингари «қўли ишда, дили ёрда» унинг.

Хуллас, ўзини эркин ҳис қилиши учун шулар ҳам етади. Аммо бу унинг асосий иши эмас. Асосий иши мактабда. Унинг жисмоний тарбия институтини битирганлигини, ёшларни руҳан тетик, жисман соғлом бўлиб ўсиши учун ҳаракат қилишини айтганимиз йўқ.

Ёшлик орзулари... Юсуфнинг ҳам юрагида орзулари бор эди. У мактабда ўқиб юрганда расм чизишга қизиқарди. Одамлар, парранда ва жониворларни, дарахт ва гулларни, тоғ ва ўтлоқларни жуда ўхшатиб чизарди. Қувноқ кайфият уфуриб турган сўлим баҳор, заъфарон япроқларда маъюс туйғулар уйғотувчи куз манзаралари тенгдошларини ҳайратга соларди. Дўстлари ҳам, ўқитувчилари ҳам уни рассом бўлади, деб ўйлашарди.

Аммо у ўрта мактабни битириб, Тошкентдаги жисмоний тарбия институтига ўқишга кирди. Бунга кўпчилик тенгдошлари ҳайрон бўлишди. Аслида бу кутилмаган ҳодиса эмасди.

Юсуф мактабда яхши баҳолар олиб ўқир, волейбол, баскетбол, футболда ҳам қизиқар, турли мусобақаларда қатнашарди. Ўша пайтларда Пайшанбада волейбол ўйини жуда машҳур эди. Уста волейболчилар бор эди. Баланд бўйли, чаққон бу йигитлар фақат туман биринчилигида эмас, вилоят ва жумҳурият мусобақаларида қатнашиб, совринлар олиб қайтишарди. Юсуф уларнинг бирорта ўйинини қолдирмас, имкони бўлганда бирга машқ қилар, спорт маҳоратини ўрганарди. Мактабни битираётган пайтда анча малакали спортчи бўлиб қолганди. Шунинг учун институтга киришда қийналмади.

Олий ўқув юртини тугатиб, ўз қишлоғига, ўзи ўқиган мактабга жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб келди. Дастур бўйича дарс ўтар, аммо бундан негадир қониқиш ҳосил қилмасди. Орзулари кўп. Дарсдан кейин спортга қизиққан болалар билан турли машқлар ўтказар, уларни руҳлантирарди. Унинг таъсирида кўп болалар кейинчалик жисмоний тарбия институтида ўқиди, моҳир спортчилар ва ўқитувчилар бўлиб етишди.

Лекин бу ҳам уни қониқтирмади. Нимадир қилишни, эл-юртга кўпроқ фойда келтиришни, халқимизни соғлом ва бақувват кўришни истарди. Ким билан сўзлашмасин жисмоний тарбиянинг фойдаси ҳақида тўлиб-тошиб гапирар, ҳаммада спортга меҳр уйғотишни, ҳаммани спортчи қилишни истарди. Табиийки, унинг қуйиб-пишишини ҳамма ҳам тўғри тушунмас, биров «спорт жинниси» деб пичинг қилса, биров «ҳаммани чемпион қилмоқчи» деб куларди. Лекин барибир у ўз билганидан қолмас, «юртга соғлом одамлар, чаққон, топқир аскарлар, моҳир саркардалар керак» дерди.

Бир куни оқ-қорани таниган мухбир ғалати савол берди:

— Юсуф ака, дунёда жисмоний тарбиядан афзал нарса йўқ, шекилли, бошқа соҳалар керак эмасми?

— Нима демоқчисиз? — деди Юсуф қизишиб, — одам соғлом бўлмаса, бошқа соҳада ҳам иш баракали бўлмайди.

— Хўп, жисмоний тарбия фойдали экан, — деди мухбир ҳам бўш келмай, — жисмоний тарбия соғлом бўлиш учун керак экан. Узоқ умр кўриш учун керак экан. Айтинг-чи, боксчилар билан, оғир тош кўтарувчи штангачилар нега узоқ яшашмайди. Матбуотда ўқидим: дунёда энг қисқа умр кўрувчилар боксчилар билан штангачилар экан.

Юсуф бундай саволни кутмаган эди. Бир оз ўйланиб турди. Кейин ўзини қўлга олиб сўз бошлади.

— Ҳар бир ишни меъёри бор. Меъёрни билиш, амал қилиш керак. Спортчилар рекорд қўяман, чемпион бўламан, деб ўзларини ортиқ ишлашга мажбур қиладилар. Инсон вужуди темир эмас. Ҳаддан ташқари зўриқишга темир ҳам чидамайди. Одам иродаси темирдан ҳам мустаҳкам. Шунинг учун чидайди. Аммо барибир зўриқиш туфайли ҳаёт ришталарига зиён етади. Шундан умр қисқаради. Лекин, биласизми, одам нима учун яшайди? Агар тинимни ўйласа, умр қисқаришини ўйласа мақсад чўққисига чиқолмайди. Ўша сиз айтган спортчилар оз яшаса ҳам, мақсадига етган одамлардир. Чемпион бўлиб бир ёки бир неча бор порлади, шохсупага кўтарилди. Олам кўрди. Инсоннинг нимага қодирлигини намойиш қилди. Ғиврилаб, касал бўлиб, ном-нишонсиз ўтгандан кўра, ловуллаб, кўнгилларда умид ва қувонч уйғотиб, юлдуздай чарақлаб сўнгани маъқул эмасми?

У дарсларни ҳам ана шундай мантиқ билан ўтади. Шунинг учун шогирдлари уни ҳурмат қилади. Унга ишонади. Топширган вазифасини кўнгилдагидай бажаришга ҳаракат қилади. У мактаб деворий газеталарини безар, болаларга расм чизишни ҳам ўргатарди.

Бош, оёқ, қўл ҳаммада бир хил. Лекин феъл-атвори, зеҳни, қобилияти бир хил эмас. Ҳеч қачон бир хил бўлмайди. Энг қобилиятлилар ажратиб олинганда ҳам натижа бир хил бўлмайди.

Ҳозирги ўқувчининг қизиқишини бундан ўттиз йил бурунги ўқувчи билан таққослаш қийин. Одамлар кескин ўзгариб кетди. Йиллар ўтади. Одамларнинг ёши ҳам, тушунчаси ҳам ўзгаради. Ҳаёт доим ўзгаришда. Дунёқараш ҳам, ўзгаради. Тушунчалар ўзгаради. Аммо инсон зеҳни, қобилияти ўзгарадими? Қобилияти яхши томондан кўра негадир ёмон томонга ўзгаришга мойилроқ кўринади.

Бўлмаса нега мактаблар бу аҳволга тушиб қолди?

Ўқитувчининг ҳурмати, қадр-қиммати, жамиятдаги ўрни ҳақида кўп баҳслар бўлган, ҳозир ҳам бўлмоқда. Халқимизда «Устоз — отангдан улуғ» деган нақл бор. Ўқитувчи обрўсини кўтариш, таълимни такомиллаштириш соҳасида қанча қарорлар қабул қилинди. Ўқитувчиларга турли имтиёзлар берилди. Лекин ўқитувчига нисбатан муносабат ҳамон жиддий ўзгаргани йўқ. Нима учун?

Мамлакатимиз озод бўлди. Шу муносабат билан ҳамма соҳада ислоҳот бошланиб кетди. Қарамлик туфайли вужудга келган қолиплар бузилмоқда. Мустақил давлатга муносиб янги муносабатлар туғилмоқда. Мактаб ҳам, таълим тизими ҳам ўзгармоқда. Энди мустақил давлатнинг ўз қадр-қимматини биладиган, эл-юрт ободлиги ва бутунлиги, шон-шарафини юксак тутадиган, имонли, аҳамиятли фуқаролар тарбиялаш керак. Юрт тақдири, келажаги, фаровонлиги унинг билимдонлиги, тадбиркорлиги, ўқувга боғлиқ.

Бундай фуқароларни фақат ўқитувчилар эмас, ота-оналар ҳам тарбиялайди. Шунинг учун ота-оналар ҳам фарзанд тарбиясини фақат мактабга ташлаб қўймаслиги керак.

Юсуф Тошматов шуларни ўйлади. Юраги сиқилди. Ўз болалигини, мактабга дастлаб борган кунларини эслади. Ўша олис йилларни кўз олдига келтирди. Уруш тугаганига кўп вақт бўлгани йўқ, турмуш оғир эди. Биринчи синфга борган болаларнинг ёши, ҳам кийими ҳам ҳар хил. Уруш туфайли қолиб кетган ўн-ўн беш ёшли болалар ҳам, етти-саккиз ёшлилар ҳам бор эди биринчи синфда. Янги чит кўйлак-иштон кийганлар камроқ, ювилавериб ранги хира тортган, ямоқлар билан бут бўлиб турган кийимдагилар кўпроқ эди. Бирининг оёғида кавуш, бирида калиш. Улар ҳам эски, йиртиқ.

Ана шу болалар дарсда қандай ўтирарди. Ўқитувчига чексиз меҳр, ҳурмат билан қарар, ҳар бир гапини жон қулоғи билан тинглар, ҳар бир сабоқни ташна одам сув симиргандай юрагига жойларди.

Энди-чи, нега ўқувчилар ўқишга ҳафсаласиз? Қизиқиш йўқ. Ҳатто айрим ўқувчилар муаллимга менсимай қарайди. Ялқовлиги, вазифани бажармагани учун ўқитувчи дакки берса, андишасизлик билан юзга чопарлик қилади, гап қайтаради. Айбини тан олиш, пушаймон бўлиш, тузатиш ўрнига, устозга дашном беради, ўсал қилади. Кейин ота-онасига бориб айтади. Ота ёки она сўраб-суриштириш ўрнига мактабга келиб ўқитувчининг ёқасидан олади. «Нега боламга ёмон баҳо қўясан? Нега боламни хафа қиласан? Ким бўлибсан? Битта ўқитувчисанда», деб оламни бузади. «Ундоқ қилвораман. Бундоқ қилвораман» деб дағдаға қилади.

Шундан кейин ўқувчи муаллимни қандай ҳурмат қилсин? Ўқувчи кўп, ўқитувчи битта. У таълим-тарбиянинг турли усулларини билади. Лекин амалга оширишга келганда қийналди. Кун бўйи қурган нарсангни кимдир сен йўқингда бузиб кетаверса. Бу ҳол узлуксиз такрорланаверса нима қилиш керак? Бошлаган ишингни битказолмай хуноб бўлишдан ўзга чора йўқ.

Балки ўзимизнинг унутилиб кетган шарқона таълим усулини тиклаш керакдир. Бола билим ҳам, тарбия ҳам олиши керак. Аммо у ёшлиги, ғўрлиги туфайли ўз фойда-зарарини идрок қилмайди. Табиий хоҳишига кўпроқ мойил. Бировга дакки яхши таъсир қилади. Бир гап етади. Бировга бир гап кам, иккитаси ортиқ. Яна бири бор. Бир оғиз яхши гапдан илҳомланиб, бир ғайратига ўн ғайрат қўшилади. Яна бирига яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам таъсир қилмайди. Фақат жазо таъсир қилади. Бунга қонун, ота-она ҳам йўл қўймайди. Бундай ўқувчилар ўқитувчи обрўсига салбий таъсир кўрсатмоқда. Таълим-тарбия савиясига ҳам...

Юсуф Тошмаматов мактабда ишлаётганига ўттиз йилдан ошди. «Халқ маорифи аълочиси», «Йўриқчи муаллим» унвон — даражалари бор. Ўз мактабидан, ўқувчиларидан кўнгли тўқ. Бошқа жойларда, катта шаҳарлардаги мактабларда бўлаётган нохуш воқеалар ҳақида эшитганда хафа бўлиб кетади. Мактабларда таълим-тарбия ишларига жиддий эътибор бериш керак.

У фақат мактабни эмас, умуман халқимиз, тилимиз тақдири, табиат ҳақида ҳам бош қотиради. Атрофда юз бераётган воқеаларга бефарқ қарай олмайди. Қайта қуриш, демократия, ошкоралик учун кураш бошланган кезлар унинг кўзи очилди. Юрагида оғир тошдай бўлиб ётган армонлар уйғониб кетди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши арафасида қайси идорага борса, ғаши келар ва идора бошлиғига ўзбекча ёздиришни ўқтирарди. Туман марказидаги кўпгина идораларда унинг шогирдлари ишларди. Улар «бу сўзнинг ўзбекчаси қанақа бўлади?» деб сўрашарди.

Шундан кейин жисмоний тарбия ўқитувчиси тилчи вазифасини бажаришга киришди. Русча сўзларнинг ўзбекча муқобилини топиб, мустақил равишда луғат тузди. Уни кўпайтириб (ўз ҳисобидан) идора, ташкилот, касалхона, мактаб ва жамоа хўжаликларига тарқатди. Идора номлари, шиорлар, иш қоғозлари, касб-ҳунар билан боғлиқ истилоҳлар ўзбекча ёзила бошлади.

У кўчадаги бирор дарахт кесилса ҳам четда қолмайди. «Ўзинг экиб кўкартириш, кўчангни, ҳовлингни обод қилиш ўрнига нима учун ота-боболар экиб кетган дарахтларни кесасан», деб дашном беради. Тавбасига таянтиради. Ана шундай жонкуярлар кўпроқ бўлганда ўлкамизда боғлар бу қадар камайиб кетмаган бўларди.

Юсуф Тошмаматовдай жонкуяр одамлар Пайшанбада оз эмас. Ўлкамиз тарихи, халқимиз тақдирини ўзича ўрганиб, кўрган, билган, эшитган воқеаларини тўплаб, билмаганларини сўраб-суриштириб китоб ёзиб юрган Карим Раҳимбердиев, эски китобларни ҳозирги ёзувга ўгириб, қўни-қўшнилар, таниш-билишларни баҳраманд қилган Карим Ҳамидуллаев, асил удумларимизни, халқона ҳикматларни ёшларга сўзлагувчи донишманд Берди Эрмуродов каби кексалар кўп.

Юсуф Тошмаматов уларнинг баъзиларидан мактабда таълим олган. Улардан ўрганган. Бу устозлар ҳозир кексалик гаштини сурмоқдалар, Улар яхши кунларни ҳам, оғир йилларни ҳам бошдан кечирганлар. Ўлкамизнинг озод бўлишини дилдан истаганлар, аммо ўйлашга ҳам чўчиганлар. Энди озод бўлдик. Ота-боболар удумларини тиклашимиз, ўзимиз истагандай яшашимиз, фарзандларимизни ҳамиятли, имонли, мард одамлар қилиб тарбиялашимиз лозим.

Юсуф Тошмаматов ишлаётган Каттақўрғон туманидан Қори Ниёзий номли 2-ўрта мактабда бир неча бор туман, вилоят, жумҳурият жисмоний тарбия ўқитувчиларининг кенгашлари бўлиб ўтди. Уларда Тошмаматовнинг тажрибалари ўрганилди. Эллиқ беш ёшга кирган, ҳаётининг ўттиз йилдан ортиғини ёшлар тарбиясига бағишлаган муаллимнинг уч ўғли бор. Бири малакали шифокор, бири муҳандис, яна бири институтни битириш арафасида.

Унинг умидлари, режалари кўп. Ғайрати ҳам етарли. «Ҳамма умидларингиз рўёбга чиқсин, ҳорманг муаллим!», — дейди миннатдор шогирдлари, уларнинг ота-оналари. Биз ҳам шу тилакка қўшиламиз.

Элмамат ҚУВВАТОВ,
Маъруф ЖАЛИЛ.

МЕНДА БИТТА ТАКЛИФ БОР!

Китобсиз билим, билимсиз нур, келажак бўлмайди. Аслида ҳам шундай. Эндиликда биз ёшларимизни ҳар томонлама баркамоллигини таъминлаш, таълим-тарбиянинг илғор усулларини қўллаш учун интилаётган эканмиз, назаримда, бу ишда, аввало китобга суянишимиз, ёшларни кўпроқ бадиий китоблар, дарсликлар ҳамда қўлланмаларни мутолаа қилишга жалб этмоғимиз даркор.

Кузатишларга қараганда мактаб, туман ва бошқа кўплаб жойлардаги кутубхоналар ўз мухлисларини йўқотиб бораяпти. Нега шундай, деган саволнинг туғилиши табиий. Фикримча, биринчидан, ана шу жойларда ишлаётганларнинг узоқ йиллар ўзаро тажрибалар алмашиб, ўқувчиларни кутубхоналарга жалб этишни билмаслиги бўлса, иккинчидан, мактаб кутубхонаси ҳамда мактаб педагоглар жамоасининг адабиётлар таҳлилини, китоб муҳокамаларини, ҳар хил анжуманларни, танлов ва викториналар, китоблар оламига саёҳатлар, адабий кечалар каби тадбирларнинг йўлга қўя олмаганлигидандир.

Кўриниб турибдики, бу ишда дадиллик, собитқадамлик етишмаслиги туфайли бугун аҳвол шу даражага келиб қолди. Хўш, нима қилмоқ керак? Назаримда, республикамиз мактаб кутубхоналарининг мунтазам ва мақсад сари йўналтирилгани ҳолда китоб тарғиботини таъминлаш, педагог кадрларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, шунингдек, ушбу масала бўйича мактаб кутубхоналарининг ўзаро тажриба алмашинувини яхшилашни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Бу эса ўқувчиларимизда меҳнатга муҳаббат, ватанпарварлик ва байналмилалчилик ҳиссини тарбиялаш, Энг муҳими уларни касб танлашга йўллаш жараёнида алоҳида ютуқларни қўлга киритишга имкон беради.

Ҳозир барча мактабларимизда таътил давом этмоқда. Кўз очиб юмгунча август кенгашлари ҳам бошланади. Таклифим шундан иборатки, ана шу анъанавий кегашларда барча туманлар, шаҳарларнинг халқ таълими ходимлари, педагоглар ва тарбиячилар бу масалага жиддийроқ ёндашсалар. Кутубхоналар ишини яхшилашга, ўқувчиларни китоб мутолаа қилишга жалб этишга алоҳида аҳамият берсалар, нур устига аъло нур бўларди. Ахир, жамиятни билишимиз ҳам, ақл-идрокни қайраб, инсон сифатида шаклланишимиз ҳам, аввало, китоб туфайли-ку! Баски шундай экан, бу муҳим масалада бефарқ бўлмаслигимиз, ўқувчи ва китоб ўртасида мунтазам алоқадорликни йўлга қўйишимиз лозим.

Р. РАТНЕР.

БОҒЧА БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Ўз фарзандларини боғчага илк бор етаклаб келган ота-оналар бу ердаги шарт-шароитни кўриб қанчалик қувонишса, вақти келиб ана шу тарбия маскани билан хайрлашув онларини ҳам катта ҳаяжон, завқ-шавқ билан ўтказадилар. Зеро, эндигина тили чиқаётган ўғилқизлар ана шу боғчаларда илк бор тарбия топади, байналмилаллик, ҳурматиззат ришталарини ўрганади. Қувноқ тарбияланувчиларнинг опажонлари билан бу галги хайрлашуви ҳам шундай бўлди. Байрам эрталигни қўғирчоқлар билан рақс тушиш ила бошланди. Шундан кейин кичкинтойлар бу ерда ўрганган қўшиқлари, шеърларидан айтиб беришди.

Эртаклар — болалар ҳаётида бир олам қувонч воситаси. Чунончи улар сеҳргарлар ва ботирлар, сахийлар ва бахиллар ҳақидаги эртаклардан ҳам мураббийлари ҳамрохлигида саҳна намойишларини кўрсатдилар.

Шунингдек, улар ўз китоб ва дафтарларини саранжомлаб мактабга отланиш бўйича мусобақада чаққонликларини ҳам намойиш қилишди.

Байрамда энг яхши рақс нжроси учун ўтказилган танлов ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Пойтахтимиздаги 120-болалар боғчасида уюштирилган байрам эрталиги тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг катта тайёргарлик кўрганлиги натижасини намойиш этди. Бу тантанада ота-оналар, маҳалла қўмиталарининг вакиллари ҳам қатнашиб сўзга чиқдилар, боғча тарбиячилари ва мураббийларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Суратларда: эрталикдан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.